*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 207 (8947). ● 1986 йил 4 ноябрь ● сешанба ● Баҳоси 3 тийин.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! МАМЛАКАТНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАНГИЗ! ДАЛАЛАР ВА ФЕРМАЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИШОНЧЛИ ВОСИТАСИ—ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ҚЎЛЛАНГИЗ!

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан.




# ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

## ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ — 425 МИНГ ТОННА!

**Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари — 1 ноябрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 412 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди, етиштирилган ҳосилнинг 70 проценти машиналар билан терилди. Гектаридан 29 центнердан ҳосил олинди, пахтанинг 85 процентидан кўпроғи биринчи навларга топширилди.**

**Область колхозчилари ва совхозларининг ишчилари, механизаторлари, мутахассислари, агросаноат комплекси барча ходимлари ва меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати туфайли, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг собитқадам ташкилотчилик иши туфайли ана шундай катта муваффақиятга эришилди.**

**Барча районлар областнинг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар. Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ва Пискент районлари ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар, Коммунистик райони хўжаликлари мажбуриятлари ҳисобига пахта сотмоқдалар.**

**Тошкент шаҳридаги, область шаҳарлари ва район марказларидаги корхоналар, муассасалар, ўқув юртларининг коллективлари планни бажаришда деҳқонларга катта ёрдам бердилар.**

**Пахта далаларида юксак меҳнат ғайрати жўш урмоқда, йиғим-терим ишларини тезроқ тугаллаш учун, давлатга 425 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган оширилган мажбуриятни бажариш учун қизғин кураш давом этмоқда.**

**Тошкент область агросаноат комплексининг ходимлари бошқа тармоқларда ҳам йил топшириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Давлатга картошка, узум, пилла сотиш планлари муддатидан илгари бажарилди, умумиттифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш план топшириғи ошириб бажарилди, чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш ўтган йилдагидан илдам олиб борилмоқда. Чорва қишлови уюшқоқлик билан бошланди. Қишлоқ меҳнатчилари шу йил учун белгиланган барча топшириқларни бажаришга, келгуси йилда муваффақиятли ишлаш учун мустаҳкам замин яратишга азму қарор берганлар.**

## КАТТА ХИРМОНГА КИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШДИ?

- Бекобод — 61857 тонна
- Бўка — 61474 тонна
- Оққўрғон—56255 тонна
- Ғалаба — 52125 тонна
- Пискент — 45236 тонна
- Ўрта Чирчиқ—43970 тонна
- Чиноз — 33918 тонна
- Янгийўл — 33066 тонна
- Коммунистик—26253 тонна

## БУЛАР СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРДИЛАР

Областимизнинг бугунги ғалабасига зиммаларидаги юксак социалистик мажбуриятларини бажарган бир қатор районлар, хўжаликлар ва бригадаларнинг коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг орасида қуйидаги колхоз ва совхозлар ҳам бор:

◆ Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози.

◆ Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Охунбобоев номли, «ЎзССР 30 йиллиги» колхозлари ва «Партия XXIV съезди» совхози.

◆ Бекобод районидаги Навоий номли колхоз.

◆ Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз.





**● СУРАТЛАРДА:** социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган механизаторлар — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоздан Абдураим Абдусаматов (чапда) ва Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоздан Ҳусанжон Абдувалиев (ўнгда).

**А. Зуфаров ва Ҳ. Аввалов фотолари.**

*Коммунистик райони:*

## МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

КОММУНИСТИК райони пахтакорлари ҳам 1 ноябрь куни ғалаба рапортига имзо чекдилар. Район деҳқонлари давлатга 26 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан ўртача 31,6 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бу ҳосилнинг 74 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Йиллик планнинг бажарилишида механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар умумий хирмоннинг 84 процентини «зангори кема»лар бункеридан тўкишди. Свердлов номли колхоздан В. Вагапов, Э. Исоқов, «Правда» колхозидан К. Аширбоев, У. Истамқулов, «Ўзбекистон» колхозидан Р. Шокиров сингари механизаторлар ўз агрегатларида 145—220 тоннадан пахта териб барчага ибрат бўлдилар.

Йил бошиданоқ пахтадан мўл—ва сифатли ҳосил етиштириш учун курашган Свердлов номли, «Правда», Карл Маркс номли, «Ўзбекистон» колхозларининг деҳқонлари ҳар гектар ердан 32—34 центнердан пахта йиғиштириб олдилар. Унинг асосий қисми биринчи, иккинчи сортларга сотилди.

Район хўжаликларида пахта — йиғим-терими жадал давом этяпти. Пахтакорлар даладаги ҳосилни тўлиқ йиғиштириб олишга ва планга қўшимча яна минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар.

## «ОҚ ОЛТИН» ВАТАНГА

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Чиноз** | 0,55 | 116,76 | 0,03 | 108,00 |
| **Ўрта Чирчиқ** | 0,60 | 107,24 | 0,02 | 118,28 |
| **Янгийўл** | 0,85 | 106,84 | 0,50 | 94,30 |
| **Пискент** | 0,66 | 106,44 | 0,06 | 96,16 |
| **Коммунистик** | 0,64 | 101,36 | — | 111,14 |
| Бекобод | 0,83 | 98,81 | 0,03 | 81,50 |
| Оққўрғон | 0,77 | 95,02 | 0,06 | 91,81 |
| Бўка | 0,83 | 95,01 | 0,19 | 94,78 |
| Ғалаба | 0,63 | 94,94 | 0,12 | 108,10 |
| **Область бўйича:** | 0,72 | 100,72 | 0,10 | 99,14 |

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона — 101,03; Сурхондарё — 91,66; Наманган —90,75; Сирдарё — 89,02; ҚҚАССР — 85,56; Хоразм — 80,52; Андижон — 76,61; Жиззах — 72,92; Бухоро — 72,30; Самарқанд — 70,31; Навоий — 57,11; Қашқадарё — 54,34; республика бўйича— 80,82.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 30 октябрда бўлиб ўтган мажлисида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳужжатларда асосий эътибор бу йил экономикада эришилган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстиришнинг узоқ муддатли омилларини янада тўлароқ ишга солишга қаратилган. 1987 йил плани лойиҳаси КПСС XXVII съездининг жамиятимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлига мос бўлиб тушади, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларига мувофиқ келади. У экономикани беш йиллик планнинг йиллик ўртача суръатлари даражасига асосан олиб чиқади. Ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг самарадорлигини ошириш топшириқлари фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланишга, инвестиция ва структура сиёсатини фаол рўёбга чиқаришга, халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш, бирлашмалар ва корхоналар мустақиллигини кенгайтириш, раҳбарликнинг иқтисодий методларини кучайтириш юзасидан катта чора-тадбирларни амалга оширишга асосланади. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш жараёни кучайтирилмоқда, бу эса меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш, маҳсулот ва иш сифатини ошириш билан бир вақтда таннархни янада камайтиришни, фойдани кўпайтиришни таъминлаш имконини беради.

Сиёсий бюро кўрсатиб ўтганидек, план лойиҳасида совет кишилари ҳаётининг ҳамма жиҳатларини ўз ичига олувчи социал тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилганлиги унинг ғоят муҳим хусусиятидир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантиришга, бутун социал-маданий соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади. Планда ҳар бир иттифоқдош республиканинг яхлит халқ хўжалиги комплексига, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

1987 йил Давлат плани лойиҳасига мувофиқ равишда тузилган ана шу йилнинг Давлат бюджети лойиҳаси хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш, молиявий ресурсларни мамлакатни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига жамлаш, тежамкорлик режимини мустаҳкамлаш талабларини ҳисобга олади.

Сиёсий бюро 1987 йил плани ва бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллаб бу ҳужжатларни СССР Олий Советининг бўлажак сессиясида кўриб чиқиш учун киритишни мақсадга мувофиқ деб топди. Партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг план топшириқларини, шунингдек, меҳнат коллективлари қабул қилган муқобил планлар ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши юзасидан ҳамма жойда ташкилотчилик ишларини авж олдириб юборишлари зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан, тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини маблағ билан ўзи таъминлаш принципини қўлланишдан мумкин қадар тўла фойдаланиш, йил давомида бир маромда ишлашни таъминлаш, мавжуд резервларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, хўжалик юритишнинг ҳамма даражаларида уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш керак.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг партия XXVII съезди номига келган 13,5 мингта шикоят аризасини кўриб чиқиш тугалланганлиги тўғрисидаги ҳисоботини тинглади. Ана шу шикоят аризаларини кўриб чиқишда бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетларининг коммунистларни тарбиялаш, партия интизомини мустаҳкамлашдаги фаолиятида бир қанча камчиликлар мавжудлиги аниқланганлиги таъкидлаб ўтилди. Бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетларининг кўплари, айниқса, маҳкамачилик, маҳаллийчилик, хўжасизлик, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш, танқидни бўғиш каби салбий ҳодисаларга қарши курашда ҳамон кўнгилчанлик ва принципсизлик қилмоқдалар. Баъзи жойларда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда кампаниячиликка йўл қўйилмоқда. Раҳбар коммунистларнинг хатти-ҳаракатларини бошланғич партия ташкилотларини четлаб кўриб чиқиш практикаси ҳали бутунлай тугатилмаган. Шахсий ишларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда ошкоралик етарли эмас.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига КПСС XXVII съезди номига юборилган шикоят аризаларини кўриб чиқиш ишлари якунларини ҳисобга олиб, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, партия аъзосининг соф ва ҳалол бўлиши учун, коммунистларни юксак талабчанлик ва ҳар қандай салбий ҳодисаларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш учун курашни кучайтириш таклиф этилди.

Сиёсий бюро ҳукумат комиссиясининг 1986 йил августида Новороссийск яқинида «Адмирал Нахимов» пароходи аварияси сабабларини текшириш борасидаги ахборотини кўриб чиқди. Текшириш шуни кўрсатдики, бу авария кемалар капитанларининг жинояткорона масъулиятсизлиги, денгизда сузиш хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш оқибатида юз берган. Фалокат кўп қурбонларга сабаб бўлди. Сиёсий бюро авария натижасида жабрланганларнинг ота-оналари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилди. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига давлат томонидан тегишли ёрдам берилди. Фалокатнинг бевосита айбдорлари — «Пётр Васев» ва «Адмирал Нахимов» кемаларининг капитанлари қамоққа олинди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Қора денгиз денгиз пароходчилиги бошлиғи С. А. Лукьянченко партия сафидан чиқарилди ва ишдан олинди, СССР денгиз флоти министрининг ўринбосари А. В. Голдобенко ва коллегия аъзоси, «Денгизда сузиш» Бутуниттифоқ бирлашмасининг раиси Б. С. Майнагашев ўз лавозимларидан бўшатилди ва уларга қаттиқ партиявий жазо берилди, СССР денгиз флоти министри ўринбосари Б. А. Юницин партиявий жавобгарликка тортилди. СССР Денгиз флоти министрлиги коллегиясига кемалар қатнови хавфсизлигини тубдан ошириш, денгиз транспорти ишида интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш чораларини кўриш таклиф этилди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен билан суҳбати якунларини маъқуллаб, Совет — Корея муносабатларини янада мустаҳкамлаш, СССР ва КХДР ҳамкорлигининг барча соҳаларида алоқаларни чуқурлаштириш, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда уларнинг баҳамжиҳат ҳаракатларини кенгайтириш учун бўлиб ўтган фикрлашувларнинг муҳимлигини таъкидлади. Уқтириб ўтилдики, Осиё —Тинч океани регионида вазиятнинг соғломлаштирилиши Корея проблемасини тинч ҳал этишга ёрдам берган бўлур эди.

Сиёсий бюро совет раҳбарларининг Дания Бош министри П. Шлютер билан музокараларига якун ясади. Бунда Совет — Дания муносабатларининг ривожланишидан мамнуният изҳор қилинди ва Совет Иттифоқининг Ғарбий Европа мамлакатлари билан Европа проблематикаси юзасидан ҳам, умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган асосий масалалар, биринчи навбатда қуролсизланиш масалалари юзасидан ҳам сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашга тайёр эканлиги тасдиқланди.

Ўртоқ Э. А. Шеварднадзенинг Канада, Мексика ва Кубага визитлари якунлари тўғрисидаги ахбороти, шунингдек, ўртоқ П. Н. Демичевнинг СССР Олий Совети делегациясининг Югославия Социалистик Федератив Республикасига визити тўғрисидаги ахбороти тинглан-ди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида партия ва давлат қурилишининг, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари билан ҳамкорлик ҳамда ядровий ва космик қуролланиш пойгасига қарши курашда Совет ташаббусларини амалга оширишнинг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

# БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1986 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг қарорларини амалга ошириш давомида 1986 йил январь—сентябрь ойларида экономикада ижобий силжишлар рўй берди, халқ хўжалиги қатор тармоқларининг кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу давридаги суръатлардан ва шу йилнинг план топшириқларидан ортиқ бўлди. Областнинг иқтисодий ва социал ривожланиши қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

| | 1986 йилнинг тўққиз ойида 1985 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|
| Саноат маҳсулоти | 105 |
| Давлат капитал маблағлари ҳисобига ишга туширилган асосий фондлар | 122 |
| Давлат капитал маблағлари | 111 |
| Саноатда меҳнат унумдорлиги | 104 |
| Ишчи ва хизматчилар сони | 102,1 |
| Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи | 101,7 |
| Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти | 106,4 |
| Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми | 107,8 |
| Давлат капитал маблағлари ҳисобига фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг жами саҳни | 116 |

Шу даврда саноат маҳсулоти ҳажми 291,3 миллион сўмлик кўпайди. Муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича планнинг, шартнома мажбуриятларининг, бажарилиши 1985 йилнинг шу давридагига нисбатан яхшиланди.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига **асосий фондларни** ишга тушириш 22 процент ошди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ортди, экономикани бошқариш такомиллашди.

Айрим моддий ресурслар турлари тежаб қолинди. Бироқ қатор бирлашмалар ва корхоналар энергия, ёқилғи, хом ашё ва материалларни тежаш, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш топшириқларини ҳали ҳам тўла бажармаяптилар.

Меҳнат интизоми яхшиланди. Иш вақтининг зое ўтиши қисқарди. Меҳнаткашларни асосий фаолиятдан ўринсиз чалғитиш камая бошлади. Аммо бундай чалғитиш миқёслари ҳали ҳам катта. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг хўжалик юритиш пировард натижаларини яхшилашга қаратилган илғор формалари оммалаштирилди. Иш жойлари аттестациядан ўтказилди.

**Шу билан бирга область халқ хўжалигини интенсивлаш изларига ўтказиш суст олиб борилмоқда, кўпгина меҳнат коллективлари ҳали ҳам қайта қуришга қўшилгани йўқ.** Маҳсулотларнинг техникавий даражаси, сифати ва пишиқ-пухталигини ошириш иши лозим даражада кенг миқёсда олиб борилмаяпти.

## I. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

ОБЛАСТДА прогрессив технология, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида халқ хўжалиги тармоқларининг техника даражасини оширишга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

Мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта ускуналашга давлат капитал маблағлари ҳисобидан салкам 237,8 миллион сўм фойдаланилди. Бу ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан 48,5 процент кўпдир.

**Саноатда** 30 та саноат роботи жорий этилди, 36 та механизациялашган поток ва автомат линия ўрнатилди. 80 участка ва цех комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди. 42 та янги машина, асбоб-ускуналар ва агрегатларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

# РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

**Фарғона областининг меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга 1986 йил пахта ҳосилини сотиш планини муддатидан илгари — 1 ноябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 546 минг тоннадан кўп «оқ олтин» етказиб берилди, машиналарда 140 минг тонна пахта терилди. Гектар бошига 29,4 центнердан пахта олинди. Бутун пахтанинг 84 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.**

**Область пахтакорлари ўз имкониятларини аниқлаб чиқиб, давлатга пландан ташқари 25 минг тонна пахта топширишга, ялпи ҳосилни 570 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.**

**Область меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йиллик биринчи йилини қизғин меҳнат билан нишонлашга, партия аграр сиёсатини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга маҳкам бел боғлаганлар.**

